

Саудия Арабистони- Риёз

Раёва маҳалласи диний

тарғибот идораси

2009-1430

islamhouse.com

Риёзус-солиҳин дарслари

Намозлар фазилати ҳақидаги боб

[Ўзбекча]

Абу Абдурахмон Насафий

Мухарир: Шамсиддин Дарғомий

islamhouse.com нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

باب فضل الصلوات

Намозлар фазилати ҳақидаги боб

الحمد لله رب العالمين و الصلاة و السلام على نبينا محمد و على آله و أصحابه و من تبعهم بإحسان
إلى يوم الدين

Аллоҳ таъоло намоз фазилатини баён қилиб:

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ (1)

-дейди.

Яъни: "Намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтаради". Фаҳш уят сўзлар дегани, мункар эса барча мункар маъсиятлардир. Азиз биродарлар, намоз қалбларни тарбиялаш учун машруъ қилинган. У кишини ва жамиятни каттаю-кичик гуноҳларни қилишдан сақлайдиган энг муҳим ва асосий омиллардан ҳисобланади. Лекин қачон шундай бўлади?!

Қачонки намозни Аллоҳ учун хушуъ билан, шошмасдан ўқилса...

Қачонки намозда Аллоҳни улуғлаш, унга дуо, рукуъ ва сажда қилиш, киёмда туриш ва қаъдада ўтириш каби турли туман ибодатларни Аллоҳ учун холис қилинса...

Қачонки намозхон Аллоҳнинг буюклигини қалбида чуқур хис қилиб, бу улуғ ибодат ёлғиз Аллоҳ учун эканини ва уни то ўлгунча адо қилишга буюрилганини эътиқод қилса...

Қачонки намозхон юкорида зикр қилинган нарсаларга тўлиқ ишонч ҳосил қилса, ўшанда намоз уни гуноҳ ва маъсият гирдобига тушиб қолишдан сақлайди. Ана ўшанда намоз мусулмонларни юксак даражаларга кўтаради. Лекин ҳар ким ўзига савол берсинчи, воқеъликда намозларимизни шундай ўқияпмизми?! Аллоҳдан барча гуноҳларимизни кечириб, ўз тоатига муяссар қилишини сўраймиз.²

Намоз араб тилида солат деб аталади. У араб тилида дуо маъносида истеъмол қилинади. Шариат эса дуо маъносига ўзи хоҳлаган баъзи сўз ва амалларни қўшиб, уларни

¹ Анкабут: 45.

² Ибни Жибрийн фатволаридан 65/28.

ҳаммасини солат яъни намоз деб атайди. Намоз Аллоҳ таъоло билан бандалар орасини боғлаб турадиган мустаҳкам алоқадир. У ҳижратдан бир йил олдин Исро кечаси Маккада фарз қилинган. Исломи динида беш вақт намозни фарз деб эътиқод қилиш жуда зарурий вазифалардандир. Унинг фарзлигига Қуръон, суннат ва ижмоъ далолат қилади. Кимда-ким беш вақт намознинг ёки баъзисининг фарзлигини инкор қилса, кофир бўлади. Чунки бу инкори билан Аллоҳ таъоло ва унинг Расули берган хабарларни ёлғонга чиқарган бўлади. Намознинг фарзлигига ва фазилатига далолат қиладиган далиллар жуда кўпдир. Аллоҳ таъоло: (وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ)³,-дейди. Яъни: “Намозни тўқис адо қилинг, закотни

беринг”. Бошқа оятда эса: (إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا)⁴,-дейди. Яъни: “Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди». Демак ҳар бир намознинг тайинланган вақти бўлиб, у шу вақт кирмасдан олдин адо қилинса, қабул қилинмайди. Лекин шариатнинг ўзи сафар ҳолатига ўхшаш баъзи ҳолларда уни олдин ё кейинга суриб ўқишга изн берган бўлса, у ҳолда уни ўша вақтда адо этиш жоиз бўлади.

Шунингдек Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан ҳам намознинг фарзлиги ва унинг фазилатига далолат қиладиган кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Ушбу ҳадис шу далиллардан биридир: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан - Амалларнинг энг афзали қайси? -деб сўралганда: “Ўз вақтида ўқилган намоз”,-деб жавоб бердилар.⁵ ⁶ Имом Бухорий ва имом Муслим Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Исломи бешта рукн устига қурилган; Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бериш, намозни адо қилиш, закот бериш, Каъбага бориб, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш", - деган эканлар.

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال: سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: رأيتم لو أن نهرًا بباب أحدكم يغتسل منه كل يومٍ خمس مراتٍ، هل يبقى من درنه شيءٌ؟ قالوا: لا يبقى من درنه شيءٌ؛ قال: فذلك مثل الصلوات الخمس، يمحو الله بهن الخطايا. متفقٌ عليه.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар бирорталарингизнинг эшиги олдидан бир дарё оқиб ўтсаю унда ҳар куни беш марта ювинса, киридан бирон нарса қоладими?" –деб сўраганларини эшитдим. Саҳобалар: "Киридан бирон нарса қолмайди."-дейишган эди. Расулуллоҳ

³ Бақара: 43

⁴ Нисо: 103

⁵ Муттафақун алайҳ.

⁶ Фикҳий инциклопедия, 2/1377

соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Бу эса беш вақт намозга ўхшайдики, Аллоҳ улар билан гуноҳларни ўчириб юборади",- дедилар". (Муттафақун алайҳ)

وعن جابر رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: مثل الصلوات الخمس كمثل نهرٍ جارٍ غمرٍ على باب أحدكم يغتسل منه كل يومٍ خمس مراتٍ. رواه مسلم.

الغمر بفتح الغين المعجمة: الكثير.

Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Беш вақт намоз худди бировларингизнинг эшиги олдидаги у унда беш марта ювинадиган серсув оқар дарёга ўхшайди",- деган эканлар. (Муслим ривояти)

Шарҳ:

Азиз ва қадрдон биродарлар. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшиги олдидан оқиб ўтадиган дарёда ҳар куни беш марта чўмиладиган кишини беш вақт намозни адо этиш гуноҳларга каффорат бўлишига мисол қилдилар. Бу кишининг беш марта чўмилиши унинг биронта ҳам кирини қолдирмай тозаллаганидек ҳар куни ўз вақтида адо қилинадиган беш вақт намоз ҳам унинг гуноҳларидан биронтасини қолдирмасдан ўчириб юборар экан. "Намоз барча қабира ва сағира гуноҳларга каффорат бўлади",-дейдиган баъзи уламолар мана шу ҳадисни далил қилишган. Лекин "Қабира гуноҳлардан тавба қилинмаса, фақат намознинг ўзи билангина каффорат қилинмайди",-деб айтадиган кўпчилик уламолар эса ҳадисдаги ушбу умумдан қабира гуноҳларни хослаб чиқариб олишиб, бунга имом Муслим роҳимаҳуллоҳ Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган қуйидаги ҳадисни далил қилишган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: "Модомики катта гуноҳлардан четланилар экан беш вақт намоз ва жума намози кейинги жума намозигача ва Рамазон кейинги Рамазонгача қилинган гуноҳларга каффорат бўлади". Яна Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қайси бир мусулмон киши фарз намозининг вақти кирганда унинг таҳорат, хушув ва рукуъларини ўз ўрнига қўйиб бажарса, модомики бирон қабира гуноҳ қилиб қўймаса, бу албатта шу намоздан олдинги гуноҳларига каффорат бўлади. Бу эса умрбод шундай бўлади",-деган эканлар. Насоий, Ибни Ҳиббон ва Ҳоқим роҳимаҳумуллоҳ Абу Саид ва Абу Хурайра розияллоҳу анҳумалардан ривоят қилишларича Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Жоним кўлида бўлган зотга қасамки, қайси бир банда беш вақт намозни ўқиса, Рамазон рўзасини тутса, закот берса ва қабира гуноҳлардан тийилса, у учун Жаннат эшиклари очилади. Сўнг унга: Хотиржам кир,- деб айтилади",-деган эканлар. Имом Аҳмад ва Насоий роҳимаҳумуллоҳ Абу Айюб розияллоҳу анҳудан худди шу маънодаги ҳадисни ривоят қилишган экан. Ибни Масъуд розияллоҳу анҳу: "Модомики қабира гуноҳлардан

четланилар экан беш вақт намоз орада қилинган гуноҳларга каффорат бўлади”,-деган эканлар. Бу у зотдан марфуъ ва мавкуф ҳолда ривоят қилинган, лекин мавкуфлиги тўғрироқ. Салмон розияллоҳу анху: “Ушбу беш вақт намозга риоя қилинган, чунки улар модомики ўлим зарбаси тегмаса, мана бу жароҳатларга каффорат бўлади”,-деб кабираларни ўлим зарбасига ва сағираларни жароҳатларга ўхшатган эканлар. Дарҳақиқат Ибни Абдил-Барр роҳимаҳуллоҳ ва бошқалар кабира гуноҳлар беш вақт намоз билангина каффорат қилинмаслиги, балки беш вақт намоз хусусан сағира гуноҳларга каффорат бўлишига уламолар иттифоқ қилишганини нақл қилишган. Ҳатто баъзи уламолар: “Беш вақт намоз сағира гуноҳларга каффорат бўлиши учун кабира гуноҳлардан четланиш шартдир”,-дейишган экан. Буни Ибни Атийя роҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида жумҳур аҳли суннатдан зикр қилган. Лекин бу фикрларнинг тўғрироғи шуки кўпчилик уламолар: “Беш вақт намоз сағира гуноҳларга каффорат бўлиши учун кабира гуноҳлардан четланиш шарт эмас. Агар киши модомики сағираларда муқим турмаса, шунда беш вақт намоз сағираларга каффорат бўлади. Чунки сағира гуноҳларда муқим туришлик билан сағира кабирага айланиб кетади”,-дейишган экан. Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “يَغْتَسَلُ فِيهِ كُلُّ يَوْمٍ خَمْسًا” яъни “...у шу дарёда ҳар куни беш марта ювинса...”,-деган ҳадисларидан намозларни ўз вақтларида ўқишлик гуноҳларга каффорат бўлишини истинбот қилганлар. Бу эса намозларни бир кеча-кундузда беш марта алоҳида-алоҳида ўқилишига далолат қилади. Ким уларни бир ё икки ё уч вақтда узрсиз жамлаб ўқиса, ундан ушбу фарқ ва такрор ювиниш ҳосил бўлмайди. Бу худди бир ё икки ё уч марта ювинишга ўхшаб қолади. Имом Муслим роҳимаҳуллоҳ Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис эса ҳар бир намоз фақат ўзи ва кейинги намоз орасида қилинган гуноҳларга каффорат бўлишига далолат қилади. Кўплаб ҳадислар буни очик-ойдин баён қилади. Демак биронта намозни бошқа намознинг вақтигача узрсиз, кечиктириб иккаласини жамлаб ўқилса, узрсиз жамлаб ўқилган бу икки намоз шу икки вақтда қилинган гуноҳларга каффорат бўлмас, балки жамлашга руҳсат берадиган узр билангина бу ҳосил бўлиши мумкин экан. Оқар дарё барча кирларни кетказгани учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дарёни мисол қилдилар, чунки оқмас сувда ювинилса, тушган кирлар шу сувнинг ўзида қолади. Гоҳида кўп ювинилгани учун вақт ўтиши билан кирларнинг асорати билиниб қолади. Шунинг учун ҳам ҳадислардан бирида оқмас сувда ювинишдан қайтарилган. Имом Муслим роҳимаҳуллоҳ Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Беш вақт намоз худди бировларингизнинг эшиги олдидаги у унда беш марта ювинадиган серсув оқар дарёга ўхшайди",- деган эканлар. Ҳасан роҳимаҳуллоҳ: “Бу ҳеч бир кирни қолдирадими?”- дейдилар.⁷

⁷Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/23-25.

وعن ابن مسعود رضي الله عنه أن رجلاً أصاب من امرأةٍ قبلته، فأتى النبي صلى الله عليه وسلم فأخبره فأنزل الله تعالى: " أقم الصلاةَ طرفي النهارِ وزُلْفاً منَ اللَّيْلِ، إِنَّ الحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ السَّيِّئَاتِ " فقال الرجل: ألي هذا؟ قال: لجميع أمتي كلهم. متفقٌ عليه.

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинишича бир киши бир аёлни ўпиб олган экан. Сўнг Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламга келиб бўлган воқеъани айтиб берганда Аллоҳ таъоло ушбу оятни нозил қилган экан:

وأقم الصلاة طرفي النهار وزلفاً من الليل إن الحسنات يذهبن السيئات

Яъни: “Кундузнинг ҳар икки тарафида ва кечадан бир бўлагида намозни тўқис адо қилинг. Албатта, яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур.” Шунда ҳалиги киши: “Бу менга хос ҳукми?”- деб сўради. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: "Умматимнинг барчаси учун",-деб жавоб бердилар. *(Муттафақун алайҳ)*

Шарҳ:

Уламолар ушбу кишининг номида кўп ихтилоф қилишган. Ибни Ҳажар айтишларича энг кучли фикр унинг Абул-Юср эканлигидир

وعن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : الصلوات الخمس، والجمعة إلى الجمعة، كفارةٌ لما بينهن، ما لم تغش الكبائر. رواه مسلم.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Беш вақт намоз, ва жума намози кейинги жума намозигача модомики кабира гуноҳлар қилинмаса, шулар орасида қилинган гуноҳларга каффорат бўлади."-деган эканлар. *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Азиз ва муҳтарам биродарлар. Олдин Таҳорат қилиш фазилати ҳақидаги бобда айтиб ўтганимиздек, агар бирон киши: "Таҳорат гуноҳларга каффорат бўлади –дейилса, намоз нималарга каффорат бўлади? Бордию, намоз гуноҳларга каффорат бўладиган бўлса, Жумалар ва Рамазонлар нималарга каффорат бўлади? Шунингдек Арафа куни рўза тутиш икки йилга каффорат, Ошуро куни рўза тутиш бир йилга каффорат бўладиган бўлса, яна кимнинг омин деб дуо қилиши фаришталарнинг омин деганига тўғри келса, унинг ўтган

гуноҳлари кечирилишлигига сабаб бўлса, буни қандоқ тушунмоқ лозим-деб эътироз билдирса, нима деб жавоб берилади? Бунга жавобни имом Нававий роҳимаҳуллоҳ Саҳиҳ Муслим шарҳида шундай зикр қиладилар: "Уламолар айтишларича мазкур амаллардан ҳар бири гуноҳларга каффорат бўлишга ярайди. Агар каффорат қиладиган сағийра гуноҳлар топилса, ўшаларга каффорат бўлади, агар кабийра ва сағийра гуноҳлар топилмаса, мазкур нарсалар сабабли ҳасанотлар ёзилиб, даражалар кўтарилади. Агар кабийра гуноҳлар учрайдиган бўлсаю, сағийра гуноҳлар топилмаса, ўша кабийра гуноҳларни енгиллатади деб умид қиламиз. Валлоҳу аълам."⁸

وعن عثمان بن عفان رضي الله عنه قال : سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول : ما من امرئ مسلم تحضره صلاة مكتوبة فيحسن وضوءها، وخشوعها، وركوعها، إلا كانت كفارة لما قبلها من الذنوب ما لم تؤت كبيرة، وذلك الدهر كله. رواه مسلم.

Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу ривоят қилишларича у киши: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: "Қайси бир мусулмон киши фарз намоз вақти кирганда, унинг таҳорати, хушўси ва рукуъсини ўз ўрнига қўйиб адо этса, модомики кабира гуноҳ қилиб қўймаса, олдинги ўтган гуноҳларига каффорат бўлади",- деганларини эшитдим”,-деган эканлар. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Аллоҳ таъоло намозларида хушў қиладиганларни мақтаб ўз китобида шундай дейди: (قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ)⁹. Яъни: “Дарҳақиқат мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (*қўрқув ва умид билан*) бўйин эгувчи кишилардир”. Яна айтадики: (وَاسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى الْخَاشِعِينَ)¹⁰. Яъни: “Сабр ва намоз ўқиш билан мадад сўранглр. Албатта у (*яъни намоз ўқиш*) оғир ишдир. Магар ўзларининг Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва шубҳасиз, унга қайтажақларини биладиган шикастанафс зотларга (*оғир эмасдир*). Али розияллоху анҳу: “Хушў қалбдаги шикастанафслик, сафда турганингда мусулмонларга елкангни мулойим қилишинг ва намозингда уёқ-буёққа бурулмаслигинг”,-деган эканлар. Ибни Аббос розияллоху анҳу: “Хушў қилувчилар- қўрқувчи, сокин кимсалардир”,-деган эканлар. Ҳасан роҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Хушў олдингиларнинг қалбларида эди, шунинг учун ҳам улар кўзларини қуйи солишиб, камтарлик қилишган”. Мужоҳид роҳимаҳуллоҳ айтишларича: “Хушў-қалбдаги шикастанафслик ва намозда

⁸ Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, 1/378.

⁹ Мўминун: 1-2.

¹⁰ Бақара: 45-46.

қамирламасдан туришдир”. Яна айтадиларки: “Хушуъ- камтаринлик ва кўзни қуйи солишдир. Олдинги мусулмонларнинг бирови намозга киришса, ўнг ва чап тарафга бўрилишдан Парвардигоридан кўрқар эди.” Яна айтадиларки: “Уламолардан бирови намозга киришса, модомики намозда экан кўзини олиб қочиш ё ўгирилиш ё бирон нарсани ўйнаш ёки - унутиб қўймаса - дунё ишларида фикр юритишдан Раҳмондан кўрқар эди”. Саид ибн Жубайр роҳимахуллоҳ айтадиларки: “Яъни улар ўнг ва чап тарафларида ким турганини билмайдиган, Аллоҳга шикастанафс бўлганликларидан уёқ- буёққа бурилмайдиган камтарин кимсалардир”. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу намозида беҳуда қилиқлар қилиб турган кишини кўриб: “Агар бу кимсанинг қалби хушуъ қилганда аъзолари ҳам хушуъ қилган бўлар эди”,-деган эканлар. Аслида хушуъ деб қалбнинг хушуъсини айтилади. У эса қалбнинг Аллоҳга шикастанафслиги, унга бўйин эгиши ва ҳузурида турган зотдан ўзгаларга қайрилиб боқишдан ўзини сақлашидир. Қалб хушуъ қилса, барча аъзолар унга эргашиб хушуъ қилади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъ қилганларида ушбу дуони ўқир эдилар: “Хашаъа лака самъий ва басарий ва муххий ва эзомий ва мастақалла биҳи қадамий”. Бунинг маъноси: “Сенга қулоғим, кўзим, илигим, суякларим ва жасадимнинг ҳаммаси бўйин сўнди”.¹¹ Шунингдек намозда кўзни ўнг ва чап тарафга қаратишдан сақлаш лозим, чунки бу Шайтон банданинг намозидан ўғирлайдиган насибадир. Ибни Сирин айтадилар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнгу-сўлга бурилиб қарар эдилар. Шунда Аллоҳ таъоло: (الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ) ,- деган оятни нозил қилди. Яъни: “Улар намозларида (кўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир”. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хушуъ қилиб, ўнгу-сўлга бурилмайдиган бўлдилар. Буни Табароний -Ибни Сирин Абу Ҳурайрадан нақл қилишларича,- деб ривоят қилганлар, ваҳоланки бу ривоятнинг мурсаллиги тўғрироқ. Сулаймон ибн Ясор, имом Абу Ҳанифа, Саврий, имом Шофеий, имом Аҳмад, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ва Абу Савр каби кўпчилик уламолар: “Намозхон учун саждагоҳига қараб туриши мустаҳаб”,-дейишган экан.¹²

¹¹ Фатҳул-Муъийн, 1/182, Аснал-матолиб, 2/415.

¹² Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 5/179-180.

﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

باب فضل الصلوات

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين